

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

23 декабрда Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Ўзбекистон КП Тошкент области ҳисоботи бўйича Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарори ва область партия ташкилотининг вазифалари ҳақида область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдуразақов доклад қилди. Докладчи таъкидладики, ҳисоботда Тошкент область партия комитети иши ҳар томонлама чуқур анализ қилинган. Ўзбекистон КП Марказий Комитети бўлимлари область партия комитети, санкиз шаҳар ва район партия комитетлари, 600 дан ортиқ бошланғич партия ташкилоти, айрим масалалар бўйича 400 дан ортиқ бошланғич партия ташкилоти ишлари ҳар томонлама ўрганиб чиқилди. Партия, совет ва хўжалик ишларидаги кўпгина масалаларнинг бу қадар кенг ва айрим-айрим ўрганилиши область партия ташкилотининг фаолиятини яхшилашда Марказий Комитет томонидан қўрилган конкрет ёрдам бўлди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети область партия комитетининг тинглаб, халқ хўжалигини ривожлантиришда эришилган бир қатор ютуқларини таъкидлаш билан бирга саноат, капитал қурилиши, қишлоқ хўжалиги, савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, ташкилий-партиявий ва идеология ишларида раҳбарлик қилишда йўл қўйилган бир қатор камчиликларни ҳам кўрсатди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети қарори билан область партия комитети бюросида барча шаҳар ва район партия комитетлари биринчи секретарлари ишларида, район ва шаҳар партия комитетлари кенгайтирилган бюро йиғилишларида муҳомада қилиниб, барча партия аппарати ушбу қарор билан мувофасал танишиб чиқди. Партия комитетлари, Марказий Комитет қарорини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан ўртоқлар шунинг қайд қилинганлиги, ҳисоботдан кейинги ўтган давр мобайнида область, шаҳар ва район партия комитетлари партия ташкилотларининг ташкилий жиҳатдан мустақамлаш, КПСС Устави асосида улар структурасини тартиблаштириш чораларини кўрдилар.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари даврида секретарлар савдо таварини сифат жиҳатидан ахшиллашга эришилди. Янгидан сайланган партия комитетлари ва бюраларда ишлов ишчилар ва колхозчилар катта ўринини оғайлади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети қарорида идеология ишида бир қатор жиддий камчиликлар йўлга қўйилганлиги таъкидланди. Область, шаҳар ва район партия комитетлари бу камчиликларни бартараф этиш учун кураша бориб, партия маорифи системасида янги ўқув йили бошлангунга қадар пропагандист кадрларини тайёрлаш, уларнинг говий-назарий савиясини ўстириш тадбирларини кўрдилар.

Коллективлар ўртасида ва аҳоли яшайдиган жойларда оммавий-сиёсий ишларини янада кучайтириш мақсадида район ва шаҳарларда сиёсий ташкилотчилар ва сиёсий ахборотчиларнинг доимий семинарлари ташкил этилди. Область партия комитети ҳузурида сиёсий ташкилотчилар ва сиёсий ахборотчилар Совети раисларининг мактаби ишлаб турибди.

Область партия комитети бюроси ва секретариати Ўзбекистон КП Марказий Комитети қўрсатган камчиликларини ҳисобга олиб, сўнгги давр мобайнида халқ хўжалигининг айрим муҳим участкалари ишлари ахшиллашга қаратилган қарорлар қабул қилди.

Область партия комитети беш йиллик учинчи йил топиригининг муваффақиятли бажарилишини таъминловчи қатор тадбирлар ҳам белгиланди. Утган ўн бир ойлик топириқ саноатда ортиқ билан адо этилди. Тошкент ГРЭСида 8-блок ишга туширилди. Чирчиқ электростанциясида бир неча минг тонна аммиак ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган цех, «Билмлар уйи», Ҳамза номиди академик театр, Чилонзорда янги кинотеатр ва бошқа бир

қатор объектлар фойдаланишга топширилди. Оҳангарон, Чирчиқ, Бекобод бинокорлари турар-жой қуриш топиригини муваффақиятли бажармоқдалар. «Главташкентстрой», қишлоқ ва бошқа қурилиш ташкилотлари ишлаб чиқариш базасини мустақамлаш тадбирлари кўрилмоқда.

Қишлоқ меҳнаткашлари табиат қийинчиликларини енгиб, бу йил дон, шол, каноп, сабзавот, картошка, подиз, узум ва барча хил чорва маҳсулотлари тайёрлаш ланини бажардилар. Давлатга 315 минг тонна пахта сотилди.

Ленин шунга қарамай, деб таъкидланди пленумда. Ўзбекистон КП Марказий Комитети қарорини бажариш юзасидан область партия комитети дастлабки қадамларини ташлади, ҳолос. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қарорида кўрсатилган камчиликларини тўла бартараф этиш, ташкилий ва сиёсий ишлар савиясини ҳар томонлама кўтариш, область экономикаси ва маданиятини юксалтириш, беш йиллик топириқни муваффақиятли бажариш тадбирларини кўриш лозим. Шунинг билан қарамай, Марказий Комитетнинг бу талабларини ҳозирча область партия комитети, кўпгина шаҳар ва район партия комитетлари томонидан қониқарсиз бажарилмапти.

Областда ланини бажармаётган корхоналар қамайиш ўрнига кўлавиб бормоқда. Айниқса Тошкент саноат корхоналари сўнгги ойларида муваффақиятсиз ишлабди. Тўқимачилик комбинати, «Подъёмник», экскаватор заводлари, ёе-мой комбинати, маиший холодильниклар заводи, подшник заводи каби корхоналар давлат олдида қардор бўлиб қолди. Бу партия ташкилотлари томонидан талабчанликнинг бўшашиб кетганлиги натижасидир. Айни пайтда таъйинлаётган маҳсулотларнинг кўпчилиги бракка чиқаришмоқда, тежамкорликка эътибор берилмапти.

Область партия комитети саноатта раҳбарлик қилишдаги бу камчиликларини ҳисобга олиб, ўсиб бораётган талабларни қондиришга қаратилган ва область саноати олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига ёрдам берадиган қатор тадбирлар ишлаб чиқди. Область партия комитети барча қолоқ корхоналарини ўз назорати остига олиб, асосий

диққат-эътиборни халқ хўжалиги учун ниҳоятда аҳамиятга эга бўлган соҳаларга қаратади. Пленумда капитал қурилиши масаласига алоҳида эътибор қилинди. Маълумки, областда капитал қурилиш лани йил сайин бажарилмай келаяпти. Ўн бир ойлик топириқ ҳам 78,2 процент бажарилди, ҳолос. Ўн та қурилиш трести зимматдаги топириқни бажара олмади.

Партия комитетлари ҳар бир қурилиш ташкилотига йил якулини чуқур анализ қилмоқдалар, саноат ва тўқимачилик қурилишлари ланини барбод қилаётганларини аниқлашлари, бундан бўён қурилиш ишларини ахшиллашга қаратилган тадбирларни қўймоқдалар зарур.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг қарорида қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги таъкидланди. Областда пахта етиштириш суръати сўят ривожланибди, дон, сабзавот, картошка, подиз, мева, пахта ва тукум етиштириш юзасидан белгиланган беш йиллик топириқ бажарилмапти. Кўштан колхоз ва совхозларда чорвачилик зарар келтирувчи соҳага айланган. Совхозларнинг бир қисми рентабел ишламапти.

КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми якунларини муҳомада қилишга бағишланган област партия комитетининг пленумида биз қишлоқ хўжалигидаги аҳолини чуқур муҳомада қилиб, камчиликларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар белгиланди, — деди М. А. Абдуразақов.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан ўртоқлар ташкилий-партиявий ва сиёсий ишларини намунали йўлга қўйиш, барча бошланғич партия ташкилотлари жанговарлик қобилиятини ошириш, кадрларини танлаш ва уларини жой-жойига қўйишдаги жиддий камчиликларни бартараф этиш ҳусусида алоҳида тўхтадилар.

Говий-сиёсий ишларини ташкил этиш соҳасида йўл қўйилаётган камчиликлар пленумда атрофлича анализ қилинди. Говий-сиёсий ишларини ташкил этишда ҳали ҳам формализмга йўл қўйилаётганлиги жиддий таъкидланди. Марксча-ленинча таълим, лекция пропаганда, сиёсий ташкилотчилар ва сиёсий ахборотчилар олиб бораётган оммавий-сиёсий ишлар ҳам

15 ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 248 (3986).
24
ДЕКАБРЬ
СЕШАНБА
1968 ЙИЛ
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

23 декабрда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида республика Олий Советининг туртинчи сессияси муҳокамага киритилувчи масалалар тўғрисида маълумот берилди. Олий Совет Президиуми Олий Советининг план-бюджет ва тароқ комиссиялари Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1969 йилги давлат лани билан 1969 йилги давлат бюджетини олдиндан кўриб чиқиш тўғрисида план-бюджет комиссиясининг раиси М. Иброҳимов берган ахборотни тинглади.

Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ советларининг ишлари ахшиллаш тўғрисида КПСС Марказий Комитети қабул қилган қарор асо-

сида Фарғона область Қува районидида Тўхтабоев номи қишлоқ советининг фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ҳам муҳокама қилинди. Қишлоқ совети ижроия комитетининг раиси К. Миробоев ҳисобот берди.

Олий Совет Президиуми сўнгги вақтларда қишлоқ совети ўз фаолиятини сезиларли равишда активлаштирганлигини, ўзига берилган ваколатлардан тўлароқ фойдалана бошлаганлигини уқтириб ўтди.

Олий Совет Президиуми қабул қилган қарорда қишлоқ советининг бутун ташкилотчилик фаолияти савиясини тагин ҳам юксалтиришга қаратилган бир қанча тадбирларни белгилаб берди. (ЎЗАТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ленин орденли СССР Давлат академик Большой театри ижодий коллективларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳрида меҳнаткашлар ўртасида совет опера ва балет санъатини пропаганда қилишда муҳим роль ўйнаган гастроллари муваффақиятли ўтказганлиги учун қуйидагилар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Ленин орденли СССР Давлат академик Большой театри:

Ленин орденли СССР Давлат академик Большой театри симфоник оркестрининг коллективи;

Ленин орденли СССР Давлат академик Большой театрининг хор коллективи;

Ленин орденли СССР Давлат Академик Большой театрининг балет труппасининг коллективи;

Ленин орденли СССР Давлат академик Большой театри бадий сахналаштириш қисми коллективи;

Ленин орденли СССР Давлат академик Большой театри мимика ансамбли коллективи;

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОВЕВ.

1968 йил, 20 декабрь, Тошкент шаҳри.

БОЛЬШОЙ ТЕАТР УСТАЛАРИ, СИЗЛАРГА КАТТА РАҲМАТ!

Ленин орденли СССР Давлат академик Большой театрининг Ўзбекистондаги гастроллари тугай деб қолди.

СССР Давлат академик Большой театрининг ижодий коллективлари ва ходимларидан бир гуруҳини Тошкентда таътанали йиғилиш ўтказилди.

Мукофотлар топширилганидан кейин СССР Давлат академик Большой театри ва Кремлдаги сўзлаб саройининг директори, РСФСР да хизмат кўрсатган санъат арбоби М. И. Чулаки ва театр солисти, РСФСР да хизмат кўрсатган артист Т. Ф. Тугаринова нутқ сўзладилар. Улар театр коллективини Ўзбекистонда хушнудли билан кутиб олингиларни учун самимий миннатдорчилик билдирдилар.

Республикамиз пойтахти маданият арбобларидан катта бир гуруҳини ўзларининг катта ҳам-

касблари ва мураббийларини кутламоқ учун йиғилишга келди. Ўзбекистон ССР халқ артисти В. Қориева тўпланганларнинг ҳис-туйғуларини ифода этди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова Фахрий ёрлиқларини топшириб, мукофотланганларга қарата нутқ сўзлади. Е. С. Насриддинова гастроллар муваффақиятли ўтказилганлиги билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, Ўзбекистон меҳнаткашлари номидан театр артистлари ва барча ходимларини қизгин кутладилар.

Ўзбекистон ССР ҳукумати 21 декабрда Ленин орденли СССР Давлат академик Большой театрининг коллективини шарафига қабул маросими ўтказди. (ЎЗАТАГ).

323 РАҚАМЛИ «ГЭС-4» САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВЛАР НАТИЖАСИ ҲАҚИДА ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ

АХБОРОТИ

1968 йил 22 декабрда 323 рақамли «ГЭС-4» сайлов округи бўйича меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига сайловлар бўлиб ўтди.

Округ бўйича сайловчиларнинг умумий сони 1337 киши бўлиб овоз беришда 1337 киши ёни сайловчиларнинг умумий сонига нисбатан 100 процентни овоз берилди қатнашди.

Шундай қилиб, коммунистлар билан партиясизлар блокнинг номзоди учун 1337 киши ёни 100 процент сайловчи овоз берди.

Область план комиссиясининг раиси Анвал Абдувалиевич Валиев меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига депутат қилиб сайланди.

Округ сайлов комиссияси.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШУҒДОРЛАШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 23 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Калинин	99,2
Южорн Чирчиқ	97,2
Ўрта Чирчиқ	95,3
Оржоникидзе	93,4
Янгйўл	84,2
Оққўрғон	71,7
Бекобод	47,0
Буна	40,8

Область бўйича 71,7



Қўйилдаги теплица комбинатининг ташкил этилганга ҳали кўп бўлган йўл. Сабаботчилик билан шугулланадиган бу теплица хўжалигида қисқа муддатда ачма-мунча ишлар амалга оширилди.


Комбинат сабаботкорлари олдида хўжаликни кенгайтириш, сабабот экинларини агротехника қондалари асосида парварши қилиб, ҳар бир квадрат метр майдондан унумли фойдаланганлигини ҳолда, чуқ-қу сабабот маҳсулотлари етиштириш вазифаси турарди.

Утган юбилей йилида комбинат 500 квадрат метр жойда сабабот маҳсулотлари етиштирган бўлса, бу йил ана шу майдон 4 минг квадрат метрдан ошиб кетди. Шунингдек, ҳар квадрат метрдан олинган ҳосили ҳам бир йилнинг ўзига икки бараварга ортиди. Яъни ўтган йили бир квадрат метрдан 6 — 7 килограммдан по-

мидор, 5—5,5 килограммдан бодринг олиш бўлса, бу йил ҳосилдорлик 10—12 килограммга етказилди.

Комбинат сабаботкорлари йил сайин илгөр таърибга ва фан сотуқларини ишлаб чиқаришга тўла жўрий этиб, сабаботдан олинган маҳсулот миқдорини кўпайтиришда бутун куч ва билимларини сарфламоқдалар. Натижада помидор ва бодрингдан олинган ҳосил кескин кўтарилмоқда. Теплица сабаботкорлари йил бошида бир квадрат метрдан 10 килограммдан помидор ва бодринг ҳосили етиштиришни планлаштирган эдилар.

ЯНГИ ЙИЛ ДАСТУРХОНИГА



САБЗАВОТ КОМБИНАТИ

Пил бўйи сабабот экинлари агротехника фани қондалари мувофиқ амалга оширилганлиги тўғрйли хўжалик ҳозиргача ҳар бир квадрат метр майдондан 9 килограммдан помидори, 6 килограммдан бодринг, етиштирилган 35 тонна помидори, 13 тоннадан ортиқ бодринг йиғиб олдиди. Бундан ташқари, комбинат сабаботкорлари 400 квадрат метр жойнинг ҳар квадрат метридан планда белгиланган 5 центнер ўрнига 8 центнердан кўнат етиштирилди. Комбинатда Мапарта Тўхтаназарова, Сотқиной Сағова ўртоқлар бошчилик қилган секция сабаботкорлари ўзларига қарашли 400 квадрат

метр майдондан қўлаб помидори ва бодринг етиштириб, катта муваффақиятнинг қўлга киритдилар.

Айниқса, комбинатда Салима Турсунова бошчилик қилаётган секция коллективни пенжадамликни қўлдан бермай келмоқда. Бу секция сабаботкорлари ҳозиргача ўзларига қарашли майдондан 3 минг 500 килограммдан ошриб бодринг ва помидор йиғиб олдидилар. Улар ана йил охиригача 600 килограмм помидори етказиб беришга қарор қилдилар. Ҳосилдорликнинг ортини, сарфланадиган харажатнинг қамайиши оқсидида қилинадиган даромад, миқдори ҳам қўлаймоқда.

Масалан, йил бошида бир килограмм помидори учун комбинат 1 сўм 47 тийин сарфлашни планлаштирган бўлса, харажатни тежаб-тергаб сарфлаганлик учун бир килограмм помидори 6 тийинга арзонлашди. Яъни, комбинат ишчилари планда белгиланган 68 минг сўм ўрнига 92 минг сўм даромад қилиб 24 минг сўм соф фойда олдилар.

Комбинатимизнинг умумий майдони 1971 йилга бориб 14 гектарга кенгайди, ҳосилдорлиги эса икки бараварга ортиди, — дейди комбинатнинг бош агрономи Оқил Саидраулов. — Янги йилдан бошлаб 10 гектар майдонга гидропоника усулида

Суратларда: (чапда) комбинат ишчиси Зайнаб Қаринова бодринг парварши қилмоқда. (Ўғнда) мастер Салима Турсунова ва ишлаб чиқариш бригадирини Мамажон Эрматов ўртоқлар терилган помидорларини кўздан кечирмоқдалар. Автор фотолари.

Пўлат МАНСУРОВ.

